



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ  
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**389** Ишлаб чиқаришда ногиронлар меҳнатидан фойдаланувчи иш жойларни аттестациядан ўтказиш тартибига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил  
29 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 839-1*

*(2010 йил 8 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 34-сон, 333-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан 1999 йил 5 ноябрда (рўйхат рақами 839, 1999 йил 18 ноябрь) тасдиқланган Ишлаб чиқаришда ногиронлар меҳнатидан фойдаланувчи иш жойларни аттестациядан ўтказиш тартибига иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Вазир**

**А. ХАЙТОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 5 октябрь,  
174-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.